



Шахс қадр-қиммати-олий қадрият

Тахиров Фарҳод

Ўзбекистон Республикаси Жамоат-хавфсизлиги университети
Жиноий-ҳуқуқий фанлар кафедраси профессори, ю.ф.д.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7088781>

ARTICLE INFO

Received: 11th September 2022

Accepted: 13th September 2022

Online: 17th September 2022

KEY WORDS

Ўзбекистон Республикаси,
Конституция, шахс, шаън,
қадр-қиммат, ҳимоялаш,
умумэътироф этилган, инсон,
фуқаролар, ҳуқуқлар.

ABSTRACT

Мазкур мақолада шахс қадр-қиммати- олий қадрият эканлиги ва бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун ва моҳиятига сингдирилганлиги борасида сўз юритилади.

Шунингдек, мақолада шахсинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоялаш бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ҳимоаланганлиги ҳам баён этилган.

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун ва моҳиятига инсон ҳуқуқлари ғояси чуқур сингдирилган. Асосий қонунимизнинг иккинчи бўлими яхлит инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда бурчларига бағишланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Конституцияси том маънода чинакам демократик Конституциядир. У тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган ҳужжатдир. Бундан ташқари, у энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг Конституциявий тажрибасига таянган ҳолда яратилган.

Иккинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари борасида Конституциямиз “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг барча асосий ғоя ва қоидаларини ўзига сингдирган. “Давлат органлари ва

мансабдор шахслар,-дейлади Асосий қонунимизнинг 2-моддасида,-жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар”. Бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлигини ва улар конституциявий даражада кафолатланишини англатади. Инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни ва қадр-қиммати ҳамда бошқа ҳуқуқ ва эркинликлари муқаддас бўлиб, улар давлат томонидан ҳимояланади.

Учинчидан, Конституция инсон ҳуқуқлари ғояларига садоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва қонунийликни ҳурматлаш, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларини тан олиш, мамлакат фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш, шунингдек, фуқаролар тинчлиги ва миллий



ҳамжиҳатликни кафолатлаш каби олижаноб мақсадларни кўзлайди.

Дарҳақиқат, давлатимизнинг инсон ҳуқуқларига бўлган муносабатининг конституциявий кафолати сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади”, деган ўта мазмунли қоида мустаҳкамланган.

Инсон ҳуқуқлари ва уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоялаш демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгисидир. Бинобарин инсон ҳуқуқлари – ҳар бир давлатнинг демократик тараққиёти даражасини кўрсатувчи муҳим мезон ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, биринчи навбатда инсон ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимояланиши керак ва ўз навбатида унинг ҳимояланганлиги эса қонун ҳужжатларида мустаҳкамланиши лозим. Шу ўринда қайд этиш ўринлики, мамлакатимизнинг Асосий қонуни - Ўзбекистон Республикасининг Конституцияда ушбу ҳуқуқлар халқаро ҳужжатларга монанд равишда тўлиқ таъминланган десак ҳеч ҳам муболаға бўлмайди. Ушбу фикрмизни асослаш учун мисоллар талайгина. Масалан, бунинг исботини икки ҳужжатда кўришимиз мумкин. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси ва Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бевосита инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлашга қаратилгандир.

Дарҳақиқат, Конституция халқ иродасини ифодалайди. Конституция –

инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳуқуқий кафолатловчи актлар йиғиндиси ёки конституциявий одатлардан ташкил топган ёзма ҳуқуқий актдир. Ҳар бир давлатнинг давлат сифатида қайтарилмас ва ўзига хос хусусиятларини намоён қилувчи ҳужжат бу унинг Конституциясидир.

Конституция Ўзбекистон ҳудудида яшаётган халқларнинг иродаси, руҳияти, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. У авваламбор умуминсоний қадриятлар ва халқаро ҳуқуқнинг устунлиги принципига амал қилади. Унда бирор сиёсий мафкуранинг, партияларнинг ҳукмронлиги мавжуд эмас. Таъкидлаб ўтиш жоизки, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси инсон ҳаёти, шахси ва эркинликларининг дахлсизлиги каби деярли барча принципаал қоидаларини ўзида мужассамлаштирган.

Оддий сўз билан айтадиган бўлсак, мамлакатимиз Конституцияси бир томондан, миллий тафаккуримизнинг, динимизнинг, адолат, бағрикенглик, тўғрисиўзлик, инсонийлик каби қадриятларини ўзида акс эттирса, иккинчи томондан, унда халқаро меъёрлар, умуминсоний қадриятлар уйғунлаштирилганлиги айниқса диққатга сазовордир.

Ўзбекистон Республикасида одамларнинг миллатига, динига, ижтимоий аҳволига, сиёсий ва бошқа эътиқодига қараб чеклашлар йўқ. Чунончи, Конституциянинг энг муҳим қисмларидан бўлган иккинчи бўлими инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланган.



Давлатимиз Асосий қонунининг яна ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, у фақат Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, балки Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча инсонларнинг муқаддас ва дахлсиз ҳуқуқларини кафолатлайди. Жумладан, Конституциямизнинг 18-моддасида Республикамиздаги барча фуқароларнинг тенглиги эътироф этилиб шундай дейилган: “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар”. Айнан шу норма Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 2-моддасида белгиланиб қўйилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддасига мувофиқ “Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга”, дейилади. Айни ушбу норманинг ҳам фундаментал асоси биз юқорида тўхталиб ўтган муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжат – Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ўз ифодасини топган.

Инсоннинг эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати олий қадриятдир. Ҳеч ким қулликка ёки асоратга солиниши, суднинг ҳукмисиз ёки рухсатисиз ўзбошимчалик билан қамоққа олиниши мумкин эмас. Ҳар бир инсон эркин бўлиб туғилади, шунингдек инсон хоҳлаган жойида истиқомат қилиш ҳуқуқига эга. Лекин ҳар доим ҳам шуни назарда тутиш керакки, инсон қаерда яшамасин, ўша ерда амал қилувчи давлатнинг қонунларига итоат этишга мажбур.

Инсоннинг шаъни ва ор-номуси ҳам дахлсиз. Ҳеч ким инсоннинг шахсий ёки оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашиши, оилавий сир-асрорларини

ошкор қилиши, инсоннинг уй-жой дахлсизлигига тажовуз қилиши мумкин эмас. Инсонни камситиш, обрўсизлантириш, ҳақорат қилиш, таҳқирлаш қонунга хилоф хатти-ҳаракат ҳисобланади ва бундай ҳаракатлар учун қонун бўйича тегишли жавобгарликлар мавжуд. Инсон ҳаётига тажовуз эса энг оғир жиноят саналади.

Яна бир шунга ўхшаш мисолни келтириш мумкин, масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Махсус қисми 1-бўлимида “Шахсга қарши жиноятлар” учун жавобгарлик белгиланади. Бунда шахснинг ҳаётига, соғлиғига, жинсий эркинлигига, оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши қаратилган жиноятлар, шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар учун жавобгарлик берилган.

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг шаъни ва қадр-қиммати инсоний қадриятлар ва ҳуқуқий манфаатлар тизимида устувор ўринга эга. Шаън ва қадр-қиммат ҳуқуқий институтининг бош мақсади бевосита Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида акс этган бўлиб, унинг 13-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига бўлган ҳуқуқи авваламбор, Бош қомусимиз томонидан кафолатланади. Шу жумладан, ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар



жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27, 48-моддалари).

Конституциясимизда ўз ифодасини топган юқоридаги қоидалар эса ўз навбатида, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт, “Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисида”ги МДҲ Конвенцияси ва бошқа халқаро норматив ҳужжатларда баён қилинган шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ғайриқонуний тажовузлардан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига доир қоидаларга тўла мос келади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасининг иккинчи қисмида “Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматни камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас”, деб айтиб ўтилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Бирлашган миллатлар ташкилотининг 1984 йил 10 декабрда қабул қилинган “Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция”да ҳам бундай ғайриқонуний ҳаракатларга йўл қўймаслик ҳақида таъкидлаб ўтилган.

Дарҳақиқат, шаън ва қадр-қимматнинг шахсийлик сифатларига нисбатан жиноят ҳуқуқи соҳаси асосан тажовузлардан ҳимоя қилишнинг ҳимояловчи, яъни негатив вазифасини бажаради, деб ҳисоблаш қабул қилинган.

Шахснинг шаъни ва қадр-қимматига ғайриқонуний тажовуз қилиш қонун томонидан туҳмат ва ҳақорат қилиш, деб белгиланган. Шахснинг шаъни ва қадр-қимматини жабрланувчи томон хоҳишига кўра туҳматчи ҳаракатлардан ҳимоя қилиш жиноий суд иш юритуви тартибидаги каби фуқаровий суд иш юритуви тартибида ҳам амалга оширилиши мумкин. Жиноят ҳуқуқида шаън ва қадр-қиммат субъектлари бўлиб шунингдек, бошқа шахслар ёки ижтимоий умумжамоалар: ҳуқуқни ҳимоя қилиш вазифасини бажараётган ҳокимият ёки жамоат ташкилотлари, суд ҳам чиқиши мумкин. Яъни, шахснинг шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятларнинг субъекти ҳам умумий, ҳам махсус субъект бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш жиноят процессининг принципларидан бири бўлиб саналади (ЖПК 17-моддаси). Судья, прокурор, терговчи ва суриштирувчи ишда қатнашаётган шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишлари шарт. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Жамиятни демократлаштириш, ҳуқуқий давлат барпо қилиш шароитида ҳар бир инсоннинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, ушбу манфаатларга тажовуз қилинишига йўл қўймаслик давлат ва унинг органлари фаолиятидаги асосий вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Инсон шаъни ва қадр-қимматининг жиноят-ҳуқуқий ҳимоясидан ташқари, фуқаролик-ҳуқуқий ҳимояси ҳам назарда тутилган. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик



кодексининг 100-моддасига мувофиқ, фуқаро ўзининг шаъни, кадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар юзасидан, башарти бундай маълумотларни тарқатган шахс уларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, суд йўли билан раддия талаб қилишга ҳақли.

Манфаатдор шахсларнинг талабига кўра фуқаронинг шаъни ва кадр-қимматини унинг вафотидан кейин ҳам ҳимоя қилишга йўл қўйилади. Башарти, фуқаронинг шаъни, кадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар оммавий ахборот воситаларида тарқатилган бўлса, айнан шу оммавий ахборот воситаларида раддия берилиши лозим.

Ҳақорат қилиш ва тухмат кўп жиҳатдан ФКнинг 100-моддасида назарда тутилган фуқаролик-ҳуқуқий деликт билан ўхшашдир. Шу жумладан, тажовузнинг объекта ҳамда объектив томоннинг белгилари ҳам бир-бирига яқин. Шунингдек, ҳам жиноят, ҳам фуқаролик ишлари жабрланувчининг шикояти ёки аризаси асосида қўзғатилади. Фақатгина айбни оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилган ушбу жиноятлар юзасидан жиноят иши прокурор томонидан қўзғатилиши мумкин. Санаб ўтилган жиноятлар ҳамда фуқаровий ҳуқуқбузарликларнинг асосий фарқи қилмишнинг субъектив томони ҳамда назарда тутилган жазо турининг оғирлиги билан фарқланади.

Инсон ва фуқаронинг энг муҳим маънавий қадриятларини ҳимоя қилиш заруриятини ҳисобга олган ҳолда алоҳида жиноят таркибларини тузиш жиноят ҳуқуқи ва ахлоқ меъёрларининг ўзаро муносабатларини очиб берувчи характерли вазиятдир.

Уларнинг қаторига шахснинг шаъни ва кадр-қимматини тухмат, ҳақорат қилиш, фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш, хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш, виждон эркинлигини бузиш каби қилмишлардан ҳимоя қилувчи меъёрларни киритиш мумкин (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 139, 140, 125, 143, 145-моддалари).

Шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш ғояси янада умумлашган кўринишда асосий мазмуни шахсга олий ижтимоий қадрият-сифатида қарашдан иборат бўлган инсонпарварлик (гуманизм) тушунчасида ўз аксини топган.

Шубҳасиз, жиноят ҳуқуқининг инсонпарварлик принципи (ЖК 7-м.) инсонпарварлик категориясидан ва жамият тараққиёти қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда, шаън ва кадр-қиммат тўғрисидаги тасаввурларни ўз ичига олган ҳамда шахснинг олий маънавий қадриятини таъминлашга қаратилган.

Шунинг учун, жиноят ҳуқуқи инсонпарварлигининг (Юридик адабиётларда жиноят ҳуқуқининг инсонпарварлик принципи тўғрисида бир-бирига зид ҳамда бир томонлама фикрлар мавжуд. Мисол учун, айрим олимларнинг фикрича, жиноят ҳуқуқининг ушбу принципи тасодифан хато қилиб, унча оғир бўлмаган қилмиш содир этган шахсларга нисбатан ғамхўрлик билан ёндашишдан иборат.) энг муҳим жиҳатларидан бири фуқароларнинг муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий манфаатларини, шу жумладан ҳаётга, соғлиққа, эркинликка, шаън ва кадр-қимматга, шахсий дахлсизликка бўлган



хуқуқини ўз ичига олиб, инсоннинг хавфсизлигини таъминловчи кафолатларни яратишдан иборатдир.

Мазкур ҳолат Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 2-моддасида ўз аксини топган бўлиб, жиноят қонунининг вазифалари шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий мухитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан қўриқлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Хулоса қиладиган бўлсак, шахсни ҳимоя қилиш биринчи ўринга қўйилган бўлиб, унинг асосий манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари (шу жумладан, шаън ва кадр-қиммати) билан биргаликда амалга оширилади. Бу жиноят қонунчилигининг энг муҳим, энг инсонпарвар вазифаларидан бири бўлиб, шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоялаш Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида сингдирилганлиги билан аҳамиятлидир.

References:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси (3-5, 12-моддалари); 1966 йил 19 декабрдаги “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пакт, 17-модда (Ўзбекистон Республикаси мазкур Пактга 1995 йил 31 августда қўшилган); 1995 йил 26 майдаги “Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисида”ги МДҲ Конвенцияси; 1979 йил 17 декабрдаги Ҳуқуқ-тартиботни сақлашга бўйича мансабдор шахслар ахлоқ Кодекси (Ўзбекистон Республикаси мазкур Кодексга 1997 йил 30 августда қўшилган); 1984 йил 10 декабрдаги Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция (Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга 1995 йил 31 август куни қўшилган).
2. Исломов Б.О. Жиноят процессининг айрим принциплари. Рисола. - Т.: «Fan va technology» нашриёти, 2007. Б. 69-83.
3. Уголовное право России: Учебник для вузов. В 2 т. Т.2. Особенная часть. Под ред. д.ю.н., проф. А.Н.Игнатова и д.ю.н., проф. Ю.А.Красикова. - М.: Издательская группа НОРМА-ИНФРА-М, 1999. -С.123.
4. Юридик ва ахлоқ нормаларининг яхлитлиги ва ўзаро муносабати энг муҳим ахлоқий талабларни ҳисобга олган ҳолда қабул қилинган фуқароларнинг зарурий мудофаа ҳуқуқини кафолатловчи, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш, хавф остида қолдириш сингари қилмишлар учун жавобгарликни белгиловчи нормаларда яққол кўринади.
5. Петросян М.И. Гуманизм. -М., 1964.-С. 8.